**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
А.К.Киргизбаев
2022 йил “30” 08

# АРХЕОЛОГИЯ
## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 – Таълим |
| **Таълим соҳаси:** | 110000 – Таълим |
| **Таълим йўналиши:** | 60111100 – Тарих |

| Фан/модул коди ARX109 | Ўқув йили 2022-2023 | Семестр 1-2 | Кредитлар 9 (5+4) | |
|---|---|---|---|---|
| Фан/модул тури Мажбурий | Таълим тили Ўзбек/рус | | Ҳафтадаги дарс соатлари 4,4 | |
| 1. Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| Археология | | 120 | 150 | 270 |

2. **I. Фаннинг мазмуни**

Археология фанини ўқитишдан мақсад - Археология фанининг предмети, тадқиқот услублари, ибтидоий, қадимги, ўрта асрлар даврига оид археологик ёдгорликлар, моддий манбалар, уларнинг турлари, даврлар бўйича фарқлари, моддий маданий меросни сақлаш ва авайлаш масалаларини ўрганиш ва амалиётда қўллай олиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Фанининг асосий вазифалари талабаларда археология фанининг назарий ва амалий билимларини эгаллаш, тадқиқот услублари, ибтидоий, қадимги, ўрта асрлар даврига оид археологик ёдгорликлар ҳақидаги билимларини шакллантириш. Машғулотларни режалаштириш, таҳлил қилиш, археологик ёдгорликлар ва моддий манбалар, уларнинг турлари, тадқиқот услублари, моддий маданий меросни сақлаш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, улар билан ишлаш мазмуни ва методларини таҳлил қилишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришни таъминлаш. Археологиянинг вазифалари (таълимий тарбиявий).Ўқитиш мазмуни ва йўлларининг умумий тавсифи билан қуроллантириш.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**
**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**I-Модул: Археология фанининг назарий асослари ва тош даврининг ўрганилиши тарихи**

**1-мавзу. Археология фанинг мақсад ва вазифалари**

Археологиянинг тарих фанини таркибий қисми сифатида шаклланиши ва ривожланиши. Археологик ва ёзма манбалар ўртасидаги фарқ. Археологик ёдгорликлар ва уларнинг турлари. Археологик тадқиқот услубияти. Археологик маданий қатлам. Археологик сана ва даврлаш. Тарихий ваархеологик даврлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Археология фанининг гуманитар ва табиий фанлар билан алоқалари. Археологик тадқиқотлар билан боғлиқ энг йирик кашфиётлар ва уларнинг жаҳон тарихи ва маданиятини ўрганишдаги аҳамияти. Ўзбекистонда

| | |
|---|---|
| | 6. http://www. Ziyonet. Uz<br>7. http://www.history.ru<br>8. http://www.archaelogy.ru<br>9. http://www.archaelogy.com |
| 7. | Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ишлаб чиқилган ва университет Кенгашининг 2022 йил “_____”____________ даги қарори билан тасдиқланган. |
| 8. | **Фан/модул учун масъул ва дастур муаллифи:**<br>Эгамбердиева Н.А. - тарих фанлари доктори, Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси профессори в/б |
| 9. | **Тақризчилар:**<br>Ш. Ҳоликулова - Навоий давлат педагогика институти “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD (Турдош ОТМ).<br>Р.Қаршиев - Навоий давлат педагогика институти “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. (Турдош ОТМ). |

Ўзбекистон тарихи кафедра мудири З. [illegible]



Археологик тадқиқотлар билан боғлиқ энг йирик кашфиётлар ва уларнинг жаҳон тарихи ва маданиятини ўрганишдаги аҳамияти. Ўзбекистонда археология фанининг тараққиёт босқичлари. Археология фани олдида турган вазифалар ва муаммолар. ЮНЕСКО рўйхатига кирган археологик ва меъморий обидалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйҳатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 119–сонли қарори.

**2-мавзу. Палеолит даври ва унинг ёдгорликлари**

Палеолит даври ва унинг босқичлари. Палеолит даври ва унинг ўрганилиши. Инсоният томонидан ер юзининг ўзлаштирилиши. Кишилик тарихининг Олдувай босқичи. Ашелъ даври. Тош қуроллари. Кертма техника. Селунгур Ўрта Осиёдаги энг қадимги аждодлар манзилгоҳи. Ферганатроп. Мустъе босқичи. Юқори палеолит. Табиий иклимнинг ўзгариши. Бу даврнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси. Юқори палеолит даври одамлари ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар ва ибтидоий жамоатчилик тарихининг бошланиши.

Кўлбулоқ макони. Тешиктош мустъе даврининг ноёб ёдгорлиги. Обирахмат ғор макони, Обирахмат-2004 одами, Хўжакент манзилгоҳи, Омонқўтон ғор макони, Такалисой ғори, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Гўрдара, Қопчиғай устахонаси, Учтут ёдгорлиги. Диний тасаввурларнинг илк кўриниши. Юқори палеолит даври ёдгорликлари. Самарқанд макони, Сиёбча қароргоҳи, Хўжамазгил қароргоҳи, Бўзсув.

**3-мавзу. Мезолит даври ва унинг ўрганилиши**

Мезолит даври ва унинг босқичлари. Азил, Тардениуаз. Мезолит даврида табиий иқлим шароити. Мезолит даврида юз берган буюк кашфиётлар. Ўқ-ёй,микролит қуроллар. Уруғчилик тузуми ва аҳолининг турмуш тарзи. Мезолит даври ёдгорликлари характеристкаси. Кўшилиш, Обишир, Мачай, Айртом ёдгорлиги. Илк мезолит даври ёдгорлиги - Кўшилиш макони. Обишир I ва Обишир V ғор–маконлари. Мачай ғор макони мезолитнинг сўнгги босқичига оид ёдгорлик. Мезолит даври меҳнат қуроллари. Ўқ-ёйнинг кашф этилиши. Мезолит даврида тасвирий санъат. Қоя тош суратлари ва уларнинг диний, маърифий ва илк эстетик тасаввурлар объекти эканлиги.

**4-мавзу. Неолит даври ва унинг ёдгорликлари**

Неолит даври ва унинг босқичлари. Неолит даври ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Неолит даврида жамиятлар тараққиёти даражалари. "Неолит инқилоби"- деҳқончилик ва чорвачилик. Ишлаб чиқарувчи хўжалик. Тош қуроллари ва уларнинг ишлаш техникаси - силлиқлаш, пардозлаш, арралаш ва пармалаш. Макролит қуроллар. Меҳнат қуроллари ва уларнинг турлари. Неолит даври аҳолиси хўжалиги. Кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик. Ўрта Осиёда неолит даври жамоаси ривожланишининг кўриниши. Жойтун

маданияти. Калтаминор маданияти. Калтаминор маданияти ёдгорликларининг боскичлари. Ҳисор маданияти, Дарёлисой ёдгорликлари, Жонбос–4 макони, Толстов манзилгоҳи, Тумек–кичиджик қабрстони, Дарвозақир II макони, Сазагон маданияти, Марказий Фарғона неолит ёдгорликлари. Учтут шахтаси.

### II-модул: Энеолит ва бронза даврида юз берган ўзгаришлар

#### 5-мавзу. Энеолит даври ва унинг ёдгорликлари

Энеолит даври. Миснинг кашф этилиши ва ундан меҳнат қуроллари ясашнинг ихтиро қилиниши. Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда металлнинг кашф этилиши. Энеолит (мис-тош) даврининг бошланиши. Илк металл буюмлар. Мисга ишлов беришнинг 4 боскичи. Ишлаб чиқаришга асосланган энеолит даври жамоалари хўжалигида инқилобий ўзгаришлар. Ҳунармандчилик ва унинг тармоклари. Ўрта Осиёда энеолит даври ёдгорликлари. Энеолит даври ёдгорликларининг даврлаштириш. Намозгоҳ-1- илк энеолит даври, Намозгоҳ-2 - ўрта энеолит даври, Намозгоҳ-3 - сўнгги энеолит даври ёдгорлиги. Зарафшон воҳасида жойлашган энеолит даври ёдгорликлари; Саразм ва Замонбобо маданиятлари.

#### 6-мавзу. Бронза даври ва унинг ўрганилиши

Бронзанинг кашф этилиши. Ўрта Осиёда деҳқончилик ва хонаки чорвачиликнинг ривожланиши. Биринчи йирик ижтимоий меҳнат taксимоти. Бронза даври хўжалигининг энг катта ютуғи. Деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши. Илк шаҳар. Илк давлатчилик белгилари. Ҳунармандчилик ва унинг тармоклари. Зардуштийлик динининг илк кўринишлари. Кўмиш маросимлар ва урф-одатлар. Амударёнинг қуйи окимида бронза даври маданияти. Бронза давридаги чўл зонаси қабилалари.

### III-модул: Қадимги ва ўрта асрлар даври маданияти

#### 7-мавзу. Сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари

Сўнгги бронза ва илк темир даврига Ўзбекистонда ўтрок деҳқончилик маданияти. Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудида Суғдиёна, Амударёнинг қуйи окимида Хоразм, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида қадимги Фарғона ва унинг ўрта окимида Чоч деҳқончилик маданиятлари марказлари.

Темирнинг кашф этилиши ва жаҳон маданиятини ривожланишидаги аҳамияти. Дам бериш усули. Босқонли кўра. Деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши. Деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик турлари. Чуст маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. Элатан маданияти. Тошкент воҳасида Бургулюк маданияти. Кўчманчи чорвадор қабилаларнинг деҳқончилик воҳаларига кириб келиши.

Қадимги Хоразмда Амирабод маданияти. Қадимги Фарғонада Чуст маданияти. Бактрияда Кучуктепа, Миршоди макони, Қизилтепа каби сўнгги бронза даври ва илк темир даври ёдгорликлари. Суғдда бронза ва илк темир даври ёдгорликлари.




6. Avanesova N. A. Buston VI – the necropolis of fire-worshippers of pre-urban Bactria. Samarkand: IICAS, 2016. - 634 pp.
7. Аскаров А. Энг қадимий шаҳар. –Т.: 2001.
8. Аллаберганов Н. Қадимий мудофаа қўрғонлари. –Т.: 2006.
9. Абдиримов Р. Бекмуҳаммад У. Қадимий Хоразм калъалари ва улардаги археологик тадқиқотлар. –Хива, 2021.
10. Далварзинтепа шаҳристони. (Қадимшунослик тадкикотлари якунлари). - Т., 2001.
11. Галперина Г.А., Доброва Е.В. Популярная история археологии. - М.: Вече, 2002.
12. Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент-Самарканд. 2007.
13. Тошкент воҳаси археологияси. ЎзФА.Ўрта Осиё тадқиқотлари халқаро институти. (нашр йили кўрсатилмаган). ISBN 978-9943-09-886.
14. Мухаммаджонов А. Қадимги Бухоро. – Т.: 1991.
15. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. –Т.: 2001.
16. Приаралье в древности и средневековье: Сб. к 60-летию Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - М.: 1998.
17. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. –Т.: 2011.
18. Фарғона водийсининг қадимий шаҳарлари. - Т.: 2008.
19. Ходжаниёзов Г. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. –Т.: 2007
20. Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. – Т.: 2006.
21. Prominent Archaeological Sites of Central Asia on the Great Silk Road. Samarkand. IICAS, 2011 - 134 pp.


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ


22. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-6108-сон фармони.


### Ахборот манбалари

1. http://www.edu.uz–Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. http://www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
3. http://www.gov.uz– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
4. http://www.pedagog.uz
5. http:// www. pedagog. uz

1. Тарихий ва археологик даврлаштириш
2. Палеолит даври ёдгорликлари ва унинг ўрганилиши.
3. Мезолит даври ва унинг ўрганилиши
4. Неолит даври ва унинг ўрганилиши
5. Энеолит даври ва унинг ўрганилиши
6. Бронза даври ва унинг ўрганилиши
7. Сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари
8. Қадимги давр маданияти ва унинг ўрганилиши
9. Ўрта асрлар даври хусусиятлари ва ёдгорликлари
10. Ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар даври хусусиятлари ва ёдгорликлари

**Семинар машғулотлари мултимедиа қурулмалари билан жиҳозланган** аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан **ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида** ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### IV. Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Қорақалпоқистон Республикаси ва Хоразм вилояти археологик ва меъморий обидалари
2. Бухоро ва Навоий вилояти археологик ва меъморий обидалари
3. Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти археологик ва меъморий обидалари
4. Самарқанд ва Жиззах вилояти археологик ва меъморий обидалари
5. Сирдарё, Тошкент ва Фарғона водийси археологик ва меъморий обидалари

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар.

**Аудиториядан ташқари вақтда бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилиши тавсия этилади:**
- эссе – долзарб мавзу бўйича шахсий фикрини танқид, публицистик ва бошқа жанрларда ёзма баён қилиш;
- докладлар тайёрлаш;
- глоссарий тузиш;
- индивидуал ва гуруҳий ўқув лойиҳаси;
- ахборот-таҳлилий материаллар билан ишлаш;
- манбалар билан ишлаш;
- мультимедиали тақдимотлар яратиш;



- дарсларнинг методик ишланмаларини тайёрлаш;
- дарсдан ташқари машғулотлар ишланмаларини тайёрлаш;

таълим йўналиши (мутахассислик)нинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларнинг бошқа турларидан фойдаланиш мумкин.

**Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

1. Археологик тадқиқот услубияти
2. Археологик экспедицияси ва унинг фаолияти
3. Ибтидоий диний эътиқоднинг археологик манбалардаги излари
4. Археологик маданий қатлам
5. Даврлаштириш масалалари.
6. Ҳозирги босқичда археология фани олдида турган вазифалар ва **муаммолар**
7. Қоя тош суратларининг ишланиш услублари.
8. Тешиктош ёдгорлиги
9. Мезолит даври ёдгорликлари
10. Неолит даври ёдгорликлари
11. Энеолит даври
12. Бронза даври ёдгорликлари.
13. Сўнгги бронза даври ёдгорликлари
14. Илк темир даври ёдгорликлари
15. Ўзбекистон ҳудудидаги илк шаҳарлар.
16. Қадимги давр маданиятининг ўзига хос хусусиятлари
17. Ривожланган ўрта асрлар даври шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши
18. Ислом динининг шаҳар меъморчилигига таъсири
19. Темурийлар даврида маданий тараққиёт
20. Улуғбек расадхонаси.

| | |
|---|---|
| 3. | **VI. Фанни ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)**<br>**Талаба билиши керак:**<br>• қадимий цивилизацияларининг ривожланиши, энг қадимги тарихни даврлаштириш масалалари, кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, одамзоднинг дастлабки меҳнат қуроллари, машғулотлари, маконлари, унинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ҳамда шу даврлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиши; **(билим)**<br>• талаба мустақил иш, амалий машғулот ва археологик амалиёт жараёнида археология ёдгорликларини ташқи кўринишига қараб, уларнинг ***турлари ва типларини билиши ва улардан фойдалана олиши;*** **(кўникма)** |

| | |
|---|---|
| | • хар бир даврнинг ўзига хос ёдгорликларини турини ва уларнинг табиий-географик жойлашиш ўринларини, улардан қандай қилиб мавзуга хос тарихий информациялар олиш ва ўз педагогик фаолиятида улардан самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши керак *малакасига эга бўлиши керак.* **(малака)** |
| **4.** | **VII. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• гурухларда ишлаш;<br>• тақдимотларни қилиш;<br>• индивидуал лойихалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва химоя килиш учун лойихалар. |
| **5.** | **VIII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топширикларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш. |
| **6.** | **Асосий адабиётлар**<br>1. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990.<br>2. Сагдуллаев. А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Т.: Университет, 2004.<br>3. Egamberdiyeva N. Arxeologiya. – T.: Fan va texnologiya, 2011.<br>4. Egamberdiyeva N.A. Amudaryo havzasi hududlarining qadimgi madaniyati (mil.avv. VIII-mil. IV asrlar). –T.: Innovatsiya-ziyo, 2020.<br>5. Egamberdiyeva N.A. Arxeologiyadan izohli lug'at. – T.: Innovatsiya-ziyo, 2020.<br>**Қўшимча адабиётлар**<br>1. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.<br>2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2018.<br>3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон булади. - Т.: Ўзбекистон, 2019.<br>4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. www.lex.uz.<br>5. Археология и история Центральной Азии. К 70 летию со дня рождения акад. АН РУз.Ю.Ф. Бурякова. Самарканд. Инстиут археологии АН РУз 2004. |



**8-мавзу. Қадимги давр хусусиятлари**

Қадимги даврининг боскичлари. Қадимги давр маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. Ахмонийлар маданиятининг жахон маданий тараққиётига таъсири. Юнонистон ва Рим маданиятининг жахон маданий тараққиётига таъсири. Дехқончиликнинг ривожи. Омоч ва сўка. Кўл тегирмони. Сопол буюмлари ишлаш техникаси. Амфора, пифос. Шиша буюмлари ишлаб чиқариш.Юнонлар ва римликларда китоблар. Папирус ва пергамент. Деразa ойна ихтироси.

Ўрта Осиёда эллинизм. Қадимги Бактрия, Суғдиёна, Хоразм, Фарғона, Чоч ва Илокда антик давр шаҳар ва қишлоқлари. Шаҳар меъморчилиги. Ҳунармандчилик тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари. Санъат, диний эътқодлар ва уларнинг аҳоли турмуш тарзида акс этиши. Скиф ва саклар маданияти.

**8-мавзу. Қадимги давр ёдгорликлари.**

Ўрта Осиёнинг архаик давр археологик ёдгорликлари. Ўрта Осиёда илк давлатлар. Қадимги Бактрия ёдгорликлари. Қадимги Хоразм ёдгорликлари - Кўзалиқир, Қалъалиқир, Ойбуйиркалъа ва Дингилжи кўрғонлари. Архаик даврда Сурхондарё ёдгорликлари - Бандихон, Қизилтепа, Кучуктепа, Қашқадарё ёдгорликлари - Даратепа, Еркўрғон, Узункир ёдгорликлари. Амударё хазинаси.

**10-мавзу. Ўрта асрлар даври маданияти**

Илк ўрта асрлар даврида юз берган ижтимоий, иктисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг археологик ёдгорликларда акс этиши. Илк ўрта асрларда ер эгалигининг вужудга келиши. Кўшклар. Ҳунармандчилик; кулолчилик ва шишасозлик, тўқимачилик, металлсозлик, заргарлик, дурадгорлик. Ички ва ташки савдо. Илк ўрта асрларда шаҳар ҳунармандчилиги. Мингўрик, Шохрухия, Чилонзор Октепаси, Юнусобод Октепаси, Варахша, Панжикент. Коропластика.

Ривожланган ўрта аср шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши. Қува. Ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ихтисослашиш жараёни. Ривожланган ўрта асрлар даврида товар-пул муносабатлари. Ислом динининг шаҳар меъморчилигига таъсири; масжидлар, миноралар, мақбара, карвон сарой, сардоба, хонақоҳ ва бошқалар. Шаҳар ободончилиги ва бозорлар. Ҳунармандчилик ва кулолчиликда янги изланишлар. Исмоил Сомоний мақбараси. Араб–ота мақбараси. Жарқўтон минораси. Вобкент минораси. Работи Малик кавон саройи. Темурийлар даврида маданий тараққиёт. Шаҳарсозлик ва ҳунармандчилик. Кўксарой, Бўстонсарой. Оқ сарой. Улуғбек расадхонаси. Бибихоним масжиди. Шоҳи Зинда.

**III. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади: